



### Qonun va biz

## ЯРАТУВЧАНЛИК — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

**Ўтган ой мамлакатимиз қонунчилик ҳаёти муҳим воқеаларга бой бўлди. Жумладан, Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида қабул қилинган "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрири матбуотда эълон қилинди.**

Янги тахрирдаги "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Қонун моҳият эътибори билан мамлакатимизда янги селекция ютуқларини яратиш, уни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Энг муҳими, мазкур қонун қандай асосларда селекция ютуғининг муаллифи бўлиши мумкинлиги, унга бериладиган патент, патентга бўлган лаёқатлилик, патент олиш тартиби, патент беришга ваколатли идоралар, патент эгасининг ҳуқуқлари уларни тугатиш асослари, патентни бекор қилиш асослари, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тартиби, бу ютуқдан фойдаланиш, селекция ютуқларини бошқа давлатларда патентлаш, бу борада чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари нима деган саволларга аниқлик киритилди.

Янги тахрирдаги "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Қонун моҳият эътибори билан мамлакатимизда янги селекция ютуқларини яратиш, уни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.


Энг муҳими, мазкур қонун қандай асосларда селекция ютуғининг муаллифи бўлиши мумкинлиги, унга бериладиган патент, патентга бўлган лаёқатлилик, патент олиш тартиби, патент беришга ваколатли идоралар, патент эгасининг ҳуқуқлари уларни тугатиш асослари, патентни бекор қилиш асослари, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тартиби, бу ютуқдан фойдаланиш, селекция ютуқларини бошқа давлатларда патентлаш, бу борада чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари нима деган саволларга аниқлик киритилди.

бўлган эгаллик улар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади. Агар бундай келишув бўлмаса, ҳар бир патент эгаси селекция ютуғидан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиши мумкин. Бирок, селекция ютуғига бошқа патент эгаларининг розилигисиз мутлақ лицензия беришга ёки патентдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга ҳақли эмас.

Агар патент эгаси патент берилган санадан эътиборан 3 йил мобайнида селекция ютуғидан юртимизда фойдаланмаса ҳамда лицензия шартномаси тузишни рад этса ва мазкур селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатларида дахл этакан бўлса, ана шу селекция ютуғидан фойдаланиш истагидидаги шахс ўзига мажбурий лицензия беришни сўраб ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Завқидин АМОНОВ,  
хуқуқшунос

**Қадим замонлардан бери яшил шаҳар дея таърифланган Шахрисабз табиати, меъморий обидалари, ўзига хос қиёфаси билан дунё аҳли эътиборини ўзига жалб этиб келган. Дунёга Соҳибқирон Амир Темурак назар-карда инсонларни тортиқ этган ушбу шаҳар бой ва шонли тарихга эга. Шу боис у ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилот томонидан кишилик тамаддунининг бебаҳо ёдгорлиги сифатида эътироф этилган. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 мартдаги қарорига биноан яқинда қадимий шаҳарнинг 2700 йиллик тўйи кенг миқёсда нишонланади. Юртимизнинг ғаройиб гўшаларидан бири бўлган яшил шаҳар қиёфаси кун сайин кўркамлашмоқда. Бугунги кунда бу масканда қутлуғ тўйга тайёргарлик қизғин бормоқда.**



Тошкент давлат иқтисодий университетиде жойлашган "Таълим тармоғи" лойиҳасининг ресурс марказида Ўзбекистон — АҚШ академиясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Олий Мажлисида "Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштириш шартларида банк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган "Севилими ўйинчоқлар" кўрик-танлови якунланди.

Пусанда ўтказилаётган XIV Осий ўйинларида иқтисоддор теннисчи Ирода Тулаганова олтин медаль соҳибаси бўлди.

Тошкент давлат техника университетида "Иновация-2002" еттинчи халқаро илмий-амалий анжумани бошланди.

Иқтисодий тармоқларини куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Қарши шаҳрида "Нажот" жамоатчилик маркази иш бошлади.

Америкалик Вернон Смит ва Исроил ҳамда АҚШ давлатлари вакили Дэниел Канеман Нобель мукофотининг иқтисодий фаилари соҳасидаги соҳибдорлари бўлишди.

Германияда йирик халқаро китоб ярмаркаси очилди.

### Obuna — 2003

рақобат бозориде муносиб ўрин эгаллаш жуда қийин. Ўз ўқувчисини топмаган газетанинг эса инқирозга учраши шубҳасиз. Шу сабабли ҳар бир тахририят ўз фаолиятини ўқувчи манфаати асосига қуриши лозим. Бунда аниқ мақсадларни белгилаб олиш, қатъиятлик, тадбиркорлик ва фидойилик муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида айтганимиз бўлса, газетанинг беғараз ва холисона бурчи, десак хато эмас. Бурч масъулиятини унутмаган, уни виждонан бажарган одам кўзлаган мақсад-муддаосига эришишига шубҳа йўқ.

Мазкур мулоҳазалар бевосита бизнинг тахририятга ҳам тааллуқли. Зотан, айна кезларда биз ҳам бир йиллик фаолиятимизни сарҳисоб қилиб, келгуси йил режаларини тузаямиз. Таъкидлаганимиздек, ўқувчиларимиз эътиҳонини қаноатлантириш асосий мақсадимиз.

Уйлаймики, ўқувчиларимиз ҳам бизни қўллаб-қувватлашди ва доимий ҳамкоримиз бўлиб қолишди. Демак, обуна бўлишни унутманг, азиз газетхонлар.

Холли НОРБОЙ

### Huquqiy sharh

## ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ НИМА?

### УЧИНЧИ МАҚОЛА

Шуни айтиш жоизки, ҳар бир хўжалик шартномасининг предмети бўлимида мазкур шартнома нима ҳақида тузилаётганини қисқача ўз ифодасини топади. Масалан, контрактация шартномасининг предмети — қиллоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан маҳсулотларни етказиб бериш, тайёрловчи ташкилотлар томонидан эса бу маҳсулотларни қабул қилиш ҳамда тегишли ҳақини тўлаш мажбурияти ҳисобланади.

Хўжалик шартномасининг ушбу бўлими эса асосий шартларнинг мажбурияти билан ажралиб туради. Шу нуктаи назардан қараганда, хўжалик шартномасига "шартнома предмети" бўлимининг киритилиши ўта муҳим шартлардан бири саналади. Шундан келиб чиқиб айтиш керакики, ҳар бир тадбиркорлик субъекти хўжалик шартномаларини тузишни режалаштирарганда шартномага албатта, бу бўлимининг киритилишига эътибор қаратиши лозим.

Чунки бу келажакда тадбиркорлик фаолияти муваффақиятини таъминлаб қолмай, уни ҳуқуқий томондан кафолатлайди.

Хўжалик шартномасининг яна бир муҳим бўлими бу "тарофларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари" бўлими саналади. Хўжалик шартномаси тузаётган тарофлари бу бўлимда асосан нима-ларга эътибор қаратиши зарурлигини таъкидлашдан аввал улар хўжалик шартномасини тузиш даврида қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги тўғрисида тўхталиб ўтамиз. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномаси" бўлимининг базаси тўғрисидаги Қонуннинг 6- моддасида хўжалик шартномаси тарофларининг ҳуқуқлари тўғрисида шундай қайд этилган:

— хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган

маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

— хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш;

— мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

— давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимоснома билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

— бошқа тарофнинг иқтисодий аҳоли, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

— хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситлари ва усулларини қўллаш.

Хўжалик шартномасининг тарофлари қонун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Юртимизда тийрамоқ фасли бошланиши билан газеталарнинг саҳифасини обуна ҳақидаги турфа эълонлар эгаллайди. Бу ҳолга кўнглик кўнлик қолгани боис уни одатий деб ҳисоблайди. Бир қарашда бунинг ҳеч ҳам ажабланиданми жиҳати йўқдек туюлади. Зеро, газеталарнинг ўқувчиларини обуна бўлишига чақиритиш табиий жараён. Гап шундаки, газета товар сифатида ўқувчи учун чиқарилади. Бошқача айтганда, ўқувчи газетани пул тўлайди. Газета ана шу маблағ ҳисобига кун кўради. Шу боис ўқувчи талаб қилишга ҳақли. Табиийки, ўқувчи талабни қаноатлантириш осон юмуш эмас. У журналистлардан холисликни, изланишни, чуқур билишни, машаққатли меҳнат ва ўзига хос дадиллигини сўрайди. Ўз эътиҳорларини қондирилмаган нашрни газетхон ўқимай қўйса бас, журналист касодга учрайди. Бу — оддий ҳақиқат.

Энди обуна масаласининг ботиний жиҳати ҳақида мулоҳаза юритсак, бир қанча табиий саволлар туғилади. Уларнинг биринчиси обуна нега айнан куз фаслида долзарб муаммога айланади-ю кейин "қунади" деган саволдир. Буни таъкидлашдан мурод шуки, аслида обуна доимий тадбир ҳисобланади. Чунки инсон ҳар доим янги ахборотга эътиҳоз сезади. Ахборот эса оммавий ахборот воситалари орқали олинди. Бу эса уларга, яъни газета-журналлар, радио ва телевидениега бўлган талабни яна-

да оширади. Бундан келиб чиқиб айтганимиз бўлса, обуна масъулий тадбир эмас. Ўқувчи ва тахририят ўртасида кечадиган узлуksиз жараёнда ўқувчи манфаати ҳаммаши бирламчи. Ана шу талаб қалам аҳлига жуда катта масъулият юклайди.

Шу ўринда иккинчи савол пайдо бўлади: газета ҳаммамнинг эътиҳонини қандай қаноатлантира олади? Бунга жавобан шуни айтиш керакики, газета қачонки холислик мезонига амал қилгандагина барча

## ДОИМИЙ МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

ўқувчи манфаатига зиён етмайди. Бошқача айтганда, холис ахборот кўнгликка бирдек аҳамиятли. Тўғри ва холис ахборот ижтимоий фикрнинг юзга келишига асос бўлади. Ижтимоий фикр эса жамият тараққиётини белгилайди.

Обуна ҳақида қар кетганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Бозор иқтисоди даврида ҳар бир соҳада рақобат юзга келади. Бундан газетачилик ҳам мустасно эмас. Радио-телевидениенинг имкониятлари тобора кенгаётган, кун-кунора турфа жилдаги газета-журналлар чоп этилиб турган паллада

### Ajab savdolar

## БЕЛИСАНДЛИК ОҚИБАТИ

Ҳозирги кунда давлат, қиллоқ хўжалиги корхонаси ва деҳқон фермерлар ўртасидаги муносабатлар фақат шартнома асосида қурилмақда ва қурилиши шарт. Зеро, эркин бозор муносабатлари жараёнда шартномавийлик ривожланишининг муҳим шартидир. У истемол бозорини тўлдирди, аҳоли фаровонлиги кафолатли бўлибгина қолмай, ўзининг эркинлиги ва мустақил белгилашиши билан демократик тамойилларга тўла ҳамроҳдир.

Шу билан бирга, шартнома тарофлар ўртасида мажбуриятлар келиб чиқишига асос бўлади, унга кирилувчи субъектлар иқтисодий фаолиятини режалаштиришга хизмат қилиб, инқирозга юз ту-

тишдан асрайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ва истемолчига етказилиши таъминлашичини кафолатлайди.

Шунинг учун ҳам хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, жумладан, хўжаликлар ички, контрактация шартномалари тузиш, уларнинг ижросини таъминлаш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Айни шу борада фаолият юритаётган адиля идоралари ҳодимлари шартномавий муносабатларнинг қонунийлигини таъминлаш бора-сида муайян ишларни амалга ошираётган. Таъкидлаш жоизки, шартномаларни тузиш борасида амалга оширилган ҳуқуқий тартибот самараси ҳамда бу борада ҳодимларининг бевосита иштироки таъминланаётгани боис салмоқли натижаларга эришиди. Лекин шартномалар ижроси борасида томонларнинг зиммаларидаги масъулиятини етарлича ҳис қилмаслиги туфайли қонунбузарликлар сони камаймаяпти. Шунинг учун ҳам ижро интизомини бузган тароф ва айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтиришга ҳаракат қилиямыз.

Тахлилларга назар ташладиган бўлсак, Андижон вилоятидаги "Баҳор-Д" хусусий фирмаси ва Чинобод машина трактор парки давлат акциядорлик жамияти ўртасида шартнома имзоланган.

(Давоми иккинчи бетда)

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га

### ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг шу йил 20 август кундаги сониде чоп этилган "Айбдорни қидириш айб эмас" сарлавҳали мақола Марказий банк томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганишда "Фаллабанк"нинг Самарқанд минтақавий филиали томонидан "Ширмой - ССА" МЧЖ раҳбари Н.Назарова билан тузилган кредит шартномаси асосиде жорий йилнинг 11 март кун 6,9 млн. сўм кредит ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълум бўлди.

Ушбу корхона таъсисчилари Н.Назарова ва Ш.Тураевнинг ўртасида корхонани бошқаришда низо пайдо бўлгани, шу сабабли корхонани қайта ташкил қилиш масаласи қўрилиб, раҳбарлик Ш.Тураевга ўтганлиги ва Н.Назарова томонидан ушбу ажратилган кредитдан самарали фойдаланишга ишончи йўқолганлиги юзасидан расмий маълумот олинishi билан банк томонидан кредит шартномасини бекор қилиш ўрнига, кредит ажратилиши уч ой тўхтатиб қўйилиши қонунчиликка зид эканлиги "Фаллабанк" раҳбариятига етказилди ва банк филиалнинг масъул шахсларига маъмурий чоралар кўриш тавсия этилди.

Банк ва корхона раҳбариятлари томонларидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 20 июн кунда "Фаллабанк"нинг Самарқанд минтақавий филиали томонидан "Ширмой ССА" МЧЖга 6,9 млн. сўмлик иттиҳозли кредит ажратилган.

А. КОДИРОВ,  
Марказий банк раиси ўринбосари

### Xabar

## МАНСАБ ТАЪМАГИРЛИК ВОСИТАСИ ЭМАС

Мансабдор шахслар томонидан содир қилинаётган суиистемолчилик ва порахўрлик жиноятларига қарши кураш бўйича Республика прокуратураси органлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар натижасида жиноят устида қўлга олинган мансабдор шахслар суд ҳукми билан тегишли жазоларга тортилишмоқда. Жумладан, Фарғона вилоят ҳокимлиги дин ва жамоат ташкилотлари мажмуаси бош мутаҳассиси Отабек Шодиев фуқаро М. Ориповни ҳаж сафарида борувчида гуруҳи раҳбари этиб тайинлаш эвазига ундан 300 АҚШ доллари ва 50000 сўм пулни пора тариқасида олаётганида ушланиб, суд ҳукми билан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Сурхондарё вилояти нефт маҳсулотлари корхонаси бошлиғи Рустам Беғалиев ҳам Жарқўрган туман нефт маҳсулотлари корхонаси бош оператори бўлиб ишловчи Ю. Фармоновни аттестациядан ўтказиш эвазига ундан пора тариқасида 1500 АҚШ доллари олаётган вақтда ушланди. Энди у умрининг ўн уч йиллини панжара ортида ўтказди. Шунингдек, Чирчиқ шаҳар ҳокимияти назорат инспекцияси бош назари Зокир Дониёров таъмагирлик йўли билан тадбиркор Х. Хақимовдан 100 АҚШ доллари ва 220.000 сўм пулни пора тариқасида олаётганида ушланиб, унга нисбатан ҳам суднинг айблов ҳукми чиқарилган.

Республика Бош прокуратураси Матбуот Маркази

Bugunning gapi

МАНТИҚ БУЗИЛМАСИН

У РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИГА БОҒЛИҚ

Хўжалик ёки корхонада қонун талаблари бузилиб, адолатсизлик рўй берса, уша ерда арива ва шикоятбозлик кўпаяди. Энг ёмони, ҳақ-ҳуқуқи бузилган кишилар уни тиклайман, деб сарсон-саргардон бўлади. Ангор туманида жойлашган Ш. Рашидов номидаги ширкат хўжалигининг оилавий пудратчилари О. Қаршиев, Ю. Хўжақуллов, С. Жаббаров, У. Сатторовлар ўтган йилги мавсумда об-хавонинг қуруқ келишига қарамадан пешона тери билан далаларда баракали хирмон яратишди. Бирок ширкат хўжалиги билан тузилган шартномадаги режани бекум кўст бажарган бу оилавий пудрат бошлиқлари ўзларига иш ҳақи ҳисобида берилиши лозим бўлган бугдойни олишолмай йил давомида овора бўлишди. Ширкат хўжалиги раҳбарлари эшигини ойлаб пойлаб ўтиришди.

Вазирлик аралашуви билан шу йилнинг 20 май кунин суд даво аризаларини кўриб чиқди. Суднинг ҳал қилувчи қарорига асосан оилавий пудрат бошлиқлари У. Сатторовга 3,6 тонна бугдой ёки давлат харид баҳоси 129 минг 600 сўм, О. Қаршиевга 3,4 тонна бугдой ёки харид баҳоси 122 минг сўм, Ю. Хўжақулловга 3,6 тонна бугдой ёки 122 минг 400 сўм, Т. Сатторовга 3,6 тонна бугдой ёки 129 минг 600 сўм ундирилган бўлди. Шунингдек, суд оилавий пудрат бошлиқларига келтирилган маънавий зарар Ш. Рашидов номидаги ширкат хўжалиги бошқарувчиси К. Шералиев, бош хисобчи А. Яхшиқуллов, бош иқтисодчи Н. Усановлар ҳисобидан қоплаш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди. Бир қарашда, адолат қарор топгандай. Аммо шу ўринда ҳақи бир савол туғилади: шартнома шартларини тўлиқ бажарган пудратчиларнинг айби не эди? Нега улар йиллаб овора бўлишди? Бу ерда мантиқ қани? Бундан ташқари, ҳамминанг ҳам оиласи, рўзғори бор. Ширкат раҳбарларининг айби билан далада хизмат қилган ҳалол инсонлар билан бирга улар ҳам азият чекишди.

Бунга таъкидлашдан мақсад шунки, ҳар бир раҳбар оддий фуқародан тўшган арива ва шикоятга ўта масъулият билан қарши бўлиши лозим. Чунки ҳар бир арива ортида инсон тақдирини ётади.

Ўткир ТОЖИЕВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Шеробод туманидаги У. Туробов номидаги ширкат хўжалигига қарашли "Тура Холмўминов" фермер хўжалиги бошлиғи Тура Холмўминов бир неча йилдан буён йилгирма олти гектар ерда деҳқончилик қилади. У астойдил қилинган меҳнати эвазига ҳар йили ширкат хўжалиги билан тузилган шартнома шартларини бекум кўст бажариб келмоқда. Т. Холмўминов баҳор кунларидан берида галла экилган далаларни айланар экан, экинзорга бирмунча муддат тикилиб, ҳосил чўғи бу йил ҳар қачонгидан баланд бўлишини сездди. "Қани эди, ўзингда комбайн бўлса-ю, ортиқча харажатдан қутулиб, пешона тери билан етиштирган ҳосилни йилгиртириб олсам, ЭЙ-й, ўзингда йўқ, оламда йўқ дейдилар", дея денгиз каби чайқалиб турган галлазорга боқиб, ҳайлга чўғиди у. Т. Холмўминов шундай ҳаёл гирдобига бирон-бир ақирок бўлса-да, комбайн олип нияти билан тумандаги МТП раҳбарларига урашди. Улар ҳам фермернинг мақсадини қўллаб-қувватлаган бўлишди.

— Эскириб қолган бир комбайн бор. Шунингдек, суд оилавий пудрат бошлиқларига келтирилган маънавий зарар Ш. Рашидов номидаги ширкат хўжалиги бошқарувчиси К. Шералиев, бош хисобчи А. Яхшиқуллов, бош иқтисодчи Н. Усановлар ҳисобидан қоплаш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди. Бир қарашда, адолат қарор топгандай. Аммо шу ўринда ҳақи бир савол туғилади: шартнома шартларини тўлиқ бажарган пудратчиларнинг айби не эди? Нега улар йиллаб овора бўлишди? Бу ерда мантиқ қани? Бундан ташқари, ҳамминанг ҳам оиласи, рўзғори бор. Ширкат раҳбарларининг айби билан далада хизмат қилган ҳалол инсонлар билан бирга улар ҳам азият чекишди.

КОМБАЙН ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

қолган ниятининг бундай осон кечилиши кутмаган Тура Холмўминов югуриб-елиб "Енисей" русумли комбайнини харид қилиш учун барча керакли ҳужжатларни расмийлаштирди. Жорий йилнинг 16 апрел кунин комбайн ун белгиланган нархдаги пулни МТПнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб берди ҳам. — Яхши, ҳаммаси жойида, — дейишди МТП бошлиқлари. — Оллоберди Ражабов деган комбайнчиимиз бор. "Енисей" русумли комбайнини унга бериб қантинимиз. Хўжалиқинингизни олиб, унинг хонадонига бориңгиз, комбайнини олиб кетавering. Тура ақининг қувончи чексиз эди. Шу тариқа у "насиб этса, бу йилги ҳосилни ўзининг техникамда йилгиртириб олам", деган ният билан ширкат хўжалиги комбайнчиси Оллоберди Ражабовнинг олдига бориб, комбайнини олиб кетмоқчилигини билдирди. "Бугун вақтим йўқ, эртага келинг,

комбайнини олмасиз", деди О. Ражабов норози оҳангда. Бирок на шу "эрта келинг" мазораси қарийб тўрт ойга чўзилди кетди. Охири ҳар гал ҳақи тўланган техник воситани олиш учун О. Ражабовга ўрашиб, қуруқ ваъдалар билан уйга қайтган Тура ақининг сабри чидамади. Бу югур-югур билан ширкат хўжалиги комбайнчиси Оллоберди Ражабовдан техникани ололмастлигига қўзи етди. Бу орада галла ўрим-йиғими мавсуми ҳам ўтиб кетди. Ниҳоят, сабр қосаси тўлган Тура Холмўминов туман прокуратурасига арива билан мурожаат қилди. Прокуратура аралашуvidан сўнг яқинда фермер ўзига тегишли "Енисей" русумли комбайнини

Qonun ko'magi

маҳсул тузилган инженер-техник ходимлардан иборат комиссия ёрдамида техник соҳа халатда қабул қилди. — Қонун бажарилишини ҳимоя қилувчи ҳуқуқ тартибот идораларидан жуда миннатдорман, — дейди фермер. — Қарийб тўрт ойлик сарсон-саргардонлигимга яқун ясалди. Ва, ниҳоят, ўлғ ёрдамида комбайнини бўлидим. Бу гапларни айтқандан, унинг нигоҳида миннатдорчилик ҳисси барқ уриб турарди.

Qaror va ijro

дексининг 203-208-моддаларига асосланиб, "Қангли" ширкат хўжалигидан Ойбек Давлатбоев фойдасига 19031 сўм, Озодбой Эшмонов фойдасига 25399 сўм, Маҳмуд Нурмонов фойдасига 14885 сўм миқдоридagi ойлук маошларини ундириб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Гарчи тилга олинаётган пул миқдори унчалик катта бўлмаса-да, мазкур талабномалар замирида инсон ҳақ-ҳуқуқи, меҳнатнинг юксак қад-қиммати, раҳбар уй-оқлигига даъват тушуналари етибди. Бунга аризмас муаммо деган маънода ўз вақтида аҳамият берилмаса ёки бирон чора кўрилмаса, бундан-да каттароқ муаммонинг юзага келиши ҳеч гапмас. Шу боис ҳар қанча тусдаги муаммонинг дарҳол барҳам берилса, у билан боғлиқ тарзда юзага келиши мумкин бўлган иллатлар йўлга тўсиқ яратилмади.

Тожи Мурод ЭШМУРДОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Шу йил 19 март кунин қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, қорхона ва ташкилотлар ҳодимларига иш ҳақи ўз вақтида тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектлар жавобгарлигини ошириш каби масалалар алоҳида қайд этилган. Шунингдек, ҳужжатда прокуратура идоралари зиммасига иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан назоратни кўчатириш ҳамда иш ҳақи белгиланган мuddатда тўланмаган ҳолларда айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш вазифалари юклатилди.

Амударё туманидаги "Қангли" ширкат хўжалигиди яшовчи Ойбек Давлатбоев, Озодбой Эшмонов, Маҳмуд Нурмоновлар туман прокуратурасига 2001 йил октябр, декабр ва 2002 йил январь, феврал ойларига тегишли бўлган иш ҳақларини ундириб бериш ҳусусида мурожаат этишди. Туман прокуратураси мазкур иш юзасидан Беруний туманлараро фуқаролик ишлари судига даъво аризмаси киритди.

Суд мажлисида даъвогарлар Ойбек Давлатбоев шу ҳужжаликда 1989 йилдан, Озодбой Эшмонов 1991 йилдан, Маҳмуд Нурмонов 1998 йилдан бери меҳнат қилиб келатганлари, хўжалик раҳбарлари эса уларнинг ойлук маоши таъминоти борасидаги илтимосномаларига қулук тутмаётганини билдиришди. Суд мажлисида иштирок этган "Қангли" ширкат хўжалиги бош хисобчиси А.Сабуров даъвогарлар талаби ҳақ экани эътироф этди.

Суд мажлиси Фуқаролик процессуал қонунининг 203-208-моддаларига асосланиб, "Қангли" ширкат хўжалигидан Ойбек Давлатбоев фойдасига 19031 сўм, Озодбой Эшмонов фойдасига 25399 сўм, Маҳмуд Нурмонов фойдасига 14885 сўм миқдоридagi ойлук маошларини ундириб бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Тожи Мурод ЭШМУРДОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy savodxonlik sari

КЕЛИШУВ БИТИМИ

Хўжалик процессида тарафлар ўртасида вуқудга келган низолаф нафақат хўжалик суди мажлисида суд томонидан, балки икки томоннинг хоҳиш-иродасига қўра ҳам ҳал этилиши мумкин. Бу ҳолат тарафлар ўртасида тузилган келишув битимида ўз ифодасини топади. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, келишув битими хўжалик процессуал институтлардан бири бўлиб, хўжалик низои юзасидан қарама-қарши манфаатдаги шахсларнинг ўзаро муроасага келишининг ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Бундан ташқари, келишув битими бир қатор ҳуқуқий белгилар билан таърифланади.

Биринчидан, келишув битими хўжалик низои мавжуд бўлган ишлар юзасидангина тузилади. Бундай пайтда тарафлар келишув битими тузиш орқали муайян ҳуқуқ ва мажбуриятни ўз зиммасига олади. Иккинчидан, келишув битими ҳуқуқ субъекти (даъвогар, кредитор) ва мажбурият субъекти (жавобгар, қарздор) ўртасида тузилиб, ўртадаги низо келишув асосида ҳал этилиши кўзланади. Учинчидан, келишув битими икки томоннинг хоҳиш-иродаси ва эркинлигидан келиб чиқиб тузилади ва ҳар икки тарафининг манфаатларини ўзида ифода этади. Дарҳақиқат, хўжалик процессуал қондалар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, келишув битими билан боғлиқ жараёни қуйдаги босқичларга бўлинганлигига ғувоҳ бўламиз: Тарафлар томонидан келишув битими тузилиши босқичида тарафлар хўжалик низоини ўзаро ҳал этиш учун маълум шартлар юзасидан бир тўхтамага келишади. Шунинг эътирофи эътибор, тарафлар томонидан келишув битимининг тузилиши кўзгатиладиган хўжалик ишнинг ҳал этиш учун етарли эмас. Ҳўш, келишув битими қачон хўжалик ишнинг ҳал этилиши қудратига эга бўлади? Бу саволга жавобни қуйида баён этиладиган иккинчи босқичдан билиб олиш мумкин.

Хўжалик процессида тарафлар ўртасида вуқудга келган низолаф нафақат хўжалик суди мажлисида суд томонидан, балки икки томоннинг хоҳиш-иродасига қўра ҳам ҳал этилиши мумкин. Бу ҳолат тарафлар ўртасида тузилган келишув битимида ўз ифодасини топади. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, келишув битими хўжалик процессуал институтлардан бири бўлиб, хўжалик низои юзасидан қарама-қарши манфаатдаги шахсларнинг ўзаро муроасага келишининг ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Бундан ташқари, келишув битими бир қатор ҳуқуқий белгилар билан таърифланади. Биринчидан, келишув битими хўжалик низои мавжуд бўлган ишлар юзасидангина тузилади. Бундай пайтда тарафлар келишув битими тузиш орқали муайян ҳуқуқ ва мажбуриятни ўз зиммасига олади. Иккинчидан, келишув битими ҳуқуқ субъекти (даъвогар, кредитор) ва мажбурият субъекти (жавобгар, қарздор) ўртасида тузилиб, ўртадаги низо келишув асосида ҳал этилиши кўзланади. Учинчидан, келишув битими икки томоннинг хоҳиш-иродаси ва эркинлигидан келиб чиқиб тузилади ва ҳар икки тарафининг манфаатларини ўзида ифода этади. Дарҳақиқат, хўжалик процессуал қондалар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, келишув битими билан боғлиқ жараёни қуйдаги босқичларга бўлинганлигига ғувоҳ бўламиз: Тарафлар томонидан келишув битими тузилиши босқичида тарафлар хўжалик низоини ўзаро ҳал этиш учун маълум шартлар юзасидан бир тўхтамага келишади. Шунинг эътирофи эътибор, тарафлар томонидан келишув битимининг тузилиши кўзгатиладиган хўжалик ишнинг ҳал этиш учун етарли эмас. Ҳўш, келишув битими қачон хўжалик ишнинг ҳал этилиши қудратига эга бўлади? Бу саволга жавобни қуйида баён этиладиган иккинчи босқичдан билиб олиш мумкин.

Иккинчи босқич — келишув битимини тасдиқлаш. Хўжалик процессуал кодексидида тузилган келишув битимини суд томонидан тасдиқлаш тартиби белгиланган. Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, бу тартибни белгиланишининг қандай ҳуқуқий аҳамияти бор? Биз юқорида келишув битими икки томоннинг хоҳиш-иродаси ва эркини мавофик тузилиши мумкин?

Андижон вилоятидаги «Фахридин ота» фермер хўжалиғи эса "Хўжаобод ипак қурти" қорхонаси билан 700 килограмм пилла етиштириб бериш тўғрисида шартнома тузган. Фермер келишилган маҳсулотни ўз вақтида етказиб берган, лекин ҳақини олишга келганда, овозгарчиликдан бошқа нарсага эришолмаган.

Бу ерда ҳам юқоридаги каби даъват қорхонаси шартнома шартларини вақтида бажармаган. Оқибатда, "Хўжаобод ипак қурти уруги" давлат қорхонасидан фермер хўжалиғи фойдасига 217 минг 188 сўм асосий қарз, 43 минг сўм жарима 108,5 минг сўм устима ундириб берилди.

Яна бир мисол. Термиз шаҳридаги "З-МКЖ" ҳамда "Капитал қурилиш" бошқармаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, "З-МКЖ" қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариши мумкин?

Хўжуқни муҳофаза қилувчи идоралар қумаги билан деҳқон ва фермер ёки тадбиркор манфаати ҳимоя қилинаётгани қувонарлиқ ҳол, албатта. Лекин шартномага белисанда муносабатда бўлаётган иккинчи томон қорхонасининг мол-мулкни авайлаб-асрашни қачон ўрганади? Ҳамма гап ана шунда.

Шерали МАХМУДОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Qonun dastagi

Яйлан шахрида яшовчи Валиқўжа Умаров тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилди. У савдо дўконини қуриш учун 0,1 га ер участкаси бериши сўраб, туман ҳокими номига арива берди. Ҳоким унинг аризмасини Яйлан шаҳар ҳокими Б. Баховуддинова ўрганиб чиқиб ва ҳал этиш учун борборди. 2000 йилнинг 3 май кунин Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссияси томонидан В. Умаровнинг аризмаси ўрганиб чиқилиб, ер майдонини ажратиш мумкинлиғи ҳақида далолатнома тузилди ҳамда қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бирок қарор лойиҳаси туман ҳокими томонидан имзоланмай қолиб кетди. Чунки бу пайтда туманда ҳоким ўзгарган эди. Янги ҳоким фуқаро В. Умаров тақдим этган барча ҳужжатларни беъэтибор қолдирди.

Шундан сўнг тадбиркор В. Умаровнинг сарсон-саргардонлиғи бошланди. "Эрта кел, индин кел" қабилидаги ваъдалар билан ордан бир йил ўтди. Ниҳоят, 2001 йилнинг 11 апрел кунин В. Умаров туман прокуратурасига мурожаат этди. Туман прокуратураси арива юзасидан алоҳида текширув ўтказди. Текширув натижасига қўра туман прокуратураси В. Умаров аризмаси бўйича аниқланган қамчиликларни бартараф этиш, ишдаги йул қўйилган ҳатолари учун мутаассадди шахсларга интизомий чора қўллаш учун туман ҳокимлиғига тақдимнома киритди.

2001 йилнинг 14 май кунин эса туман ҳокимлиғида мазкур тақдимноманинг муҳокамаси бўлиб ўтди ва туман прокуратурасига шундай мазмунда жавоб йўланди: "Мазкур ер участкасини олиш учун қўллаб аризалар тушган. В. Умаровга савдо дўконини қуриш учун бериладиган ер участкаси "қиммошди" савдоси бўйича сотишга чиқарилган. Шу қўра қадар мазкур ер участкаси "қиммошди" савдосида сотиш масаласи ҳал этилмаган.

В. Умаровдан қаноатланмаган Валиқўжа Умаров энди ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб вилоят Адлия бошқармасига мурожаат этди. Вилоят Адлия бошқармасининг мутахассислари мазкур аризмани ўрганишга киришди. Ўрганиш натижасида чиндан ҳам тадбиркор Валиқўжа Умаровнинг савдо ҳақидаги аризмаси бир йилга тўхтис ой давомида ҳал этилмаётганини аниқлади.

Бунга асосан В. Умаровнинг сарсон-саргардонлиғи бошқармасининг мурожаатлари тўғрисидаги "Ижро интизомини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 12-сонли ва "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятини бошқарув органларининг иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли қарорларининг талаблари қўпол равишда бузилганини қўрсатар эди.

Вилоят Адлия бошқармаси мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва В. Умаровга ер майдонини ажратиш масаласини ҳал қилиш ҳақида Ўзбекистон туман ҳокими У.Тожибоев номига тақдимнома киритди. Мазкур тақдимномага туман ҳокимлиғи томонидан 2001 йилнинг 16 август кунин 707 сонли жавоб хати юборилди. Унда шундай жумларлар билан тузилган эди: "Туман кадастр бўлимининг 1999 йил 18 августдаги далолатномасига асосан мазкур ер майдонини туман «Матбуотсавдо» уюшмасига қарашли "Турон" супермаркетига бириктириб берилган".

Ана шу вақт тўғрисида билан тақдимнома ижро этилмади. Ҳуллас, туман ҳокимлиғи аризмачининг ер майдонини ажратиш тўғрисидаги мурожаатомасига жавоб беришни эп қўрмагани етмагандек туман прокуратураси тақдимномасига бошқа, вилоят Адлия бошқармасининг тақдимномасига бутунлай бошқа мазмунда жавоб хати йўланди. Шундан сўнг вилоят Адлия бошқармаси шу йилнинг 28 январь кунин фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро фуқаролик судига мазкур арива юзасидан даъво аризмасини киритди.


Суд даъвогар ва жавобгар вакилларининг фикр-мулохазаларини батафсил ўрганди. Ишга дахлдор масалаларни бирма-бир текширишга чўқур ёндашди. Суд мажлисида жавобгар вакили сифатида иштирок этган Б.Хўжақуллов ўз фикрини шундай баён этди: «Мен Валиқўжа Умаровнинг савдо дўконини қуриш учун ер участкасини сўраб арива ёзганлигини билман. У сўраган ер майдонини Яйлан шаҳар ҳокимиятига тегишли бўлганлиғи сабабли туман ҳокимлигининг розилиғи олингандан сўнг собиқ туман ҳокими Р.Муратов тошириғи билан В.Умаровга "Турон" супермаркетига ёнидан 0,1 га ер майдонини савдо дўконини қуриш учун ер ажратиб бериш масаласини ҳал этиш комиссиясидан сўралган. Комиссия ер майдонини бориб қўздан кечирган ва ер ажратиш мумкин, деган ҳулосага келган. Бу ҳақида 2000 йил 3 май кунин далолатнома тузилган. Шу далолатномага асосан В.Умаров Яйлан шаҳри ҳудудидаги "Турон" супермаркетига ёнидан савдо дўконини қуриш учун ер майдонини ажратиш ҳақида туман ҳокими қарорни матни ҳам тайёрлаган. Аммо қарор лойиҳасида ҳоким имзо чекмаган.

Судда фуқаро В.Умаров томонидан сўралган ер майдонини савдо, балки ҳокимият иштирокида эканлиғи аён бўлди. Шу тариқа туман ҳокимлигининг туман прокуратураси ва вилоят Адлия бошқармаси тақдимномаларига йўллаган жавоблари қонуний асосланмаганлиғи тўлиқ исботини топди. Агар туман ҳокимининг ушбу вақтлари асосли бўлганда, низоли ер бўйича аллақачон "қиммошди" савдоси ўтказилган бўлиши лозим эди. Низоли ер "Турон" супермаркетига тегишли бўлган тақдирда эса бу тўғрисида Ер Кодексининг 61-моддаси талабига асосан ернинг эгаллик ҳуқуқини белгиловчи қарори қабул қилинган бўлар эди.

Суд даъвогарининг маънавий зарарини ундириш қисмини ҳам муҳокима этиб, уни қаноатлантиришни лозим топди. Шунингдек, даъвогар — вилоят Адлия бошқармасининг фуқаро Валиқўжа Умаров манфаатини қўллаб жавобгар — Ўзбекистон тумани ҳокими У.Тожибоевга нисбатан жавобгар қарор қабул қилиш масъулиятини юклав ва етказилган маънавий зарарини ундириш ҳақида келтирилган ҳам даъво эътиборини қўриб қолди. Ўзбекистон тумани ҳокими У.Тожибоевга доимий ҳаракатдаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2000 йилнинг 3 май кунин тузган далолатномасини тасдиқлаб, тадбиркор В.Умаровга Яйлан шаҳри ҳудудида савдо дўконини қуриш учун ер майдонини ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш масъулиятини юклатди. Жавобгар У.Тожибоевдан тадбиркор В.Умаров фойдасига етказилган маънавий зарар учун қатъий миқдорда жарима белгиланди. Шунингдек, жавобгардан давлат фойдасига 1715 сўм давлат божи ҳам ундирилган бўлди.

Қиссадан ҳисса шуки, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, ҳусусий тадбиркорликка кенг аҳамият берилаётган бир пайтда ҳамон айрим жойларда бу соҳаларга етарли эътибор берилмаётгани ачинарлидир. Зеро, В. Умаров бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун идорама-идора сарсон-саргардон бўлиш ўрнига ўз ишларини давом эттирганда эди, ўзига ҳам, эл-юртга ҳам қўпроқ нафти тегади. Албатта, кечикиб бўлса-да, ҳақиқат қарор топди. Энди ундан тегишли ҳулосалар чиқариш лозим.

Махмуд ТОЖИЕВ, ҳуқуқшунос, Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Инсон ва қонун" мухбири



Куз саҳовати

БЕЛИСАНДЛИК ОҚИБАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда) Фирма томонидан паррка 3,6 миллион сўмлик маҳсулот вақтида етказиб берилган. Лекин парк маъмурияти маҳсулот ҳақини тўлиқ тўлашни пайсалга солганлиги боис, дебиторлик ҳақини ундириш учун фирма адлия идорасига мурожаат қилди.

Ариза юзасидан ўтказилган текширишда томонлар ўртасидаги шартномага асосан фирма ҳақиқатан мажбуриятини бажариб, ҳақини ололмаганди сарсон бўлаётгани ўз тасдиқини топди. Шунинг учун ҳам Андижон вилояти адлия бошқармасининг ҳуқуқий судига киритган даъво аризмасига мувофиқ, асосий қарздан ташқари ярим миллион сўмдан ортиқ устима «Баҳор-Д» фойдасига жавобгарнинг мол-мулкни ҳисобидан ундирилган бўлди. Таъкидлаш жоизки, шартнома тузиш жараёнида томонлар ўз имкониятларини тўла ҳисобга олган ҳола муносабатга ки-

ришишлари даркор. Зеро, шартнома айтилган сўз каби эртага урдасидан қилгани талаб этади. Лекин баъзида шартнома тузишга бепарволик билан қараб, унинг оқибатини ўйламаётган раҳбарлар ҳам борки, охири-оқибат улар ўз қорхонасининг манфаатларига жиддий пўтур етказишмоқда. Юқоридаги ҳолатда ҳам қорхона раҳбарининг масъулиятсизлиғи эвазига давлат қорхонасининг ярим миллиондан ошқ маблағи ҳавога соврилган. Бундай ҳоллар кўпгина қорхоналарда, айниқса, давлат ташкилотларида содир этилаётганлиғи ташвишланарлидир. Бугунги кунда мамлакат қудратининг манбаи бўлган давлат бюджетини ҳимоялашга алоҳида аҳамият берилаётди. Ва бу борада тегишли тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Лекин шундай бир шартда бошқа бир томондан маблағларнинг ҳавога соврилишига йул қўйилаётганини қандай баҳолаш

мумкин? Андижон вилоятидаги «Фахридин ота» фермер хўжалиғи эса "Хўжаобод ипак қурти" қорхонаси билан 700 килограмм пилла етиштириб бериш тўғрисида шартнома тузган. Фермер келишилган маҳсулотни ўз вақтида етказиб берган, лекин ҳақини олишга келганда, овозгарчиликдан бошқа нарсага эришолмаган.

Бу ерда ҳам юқоридаги каби даъват қорхонаси шартнома шартларини вақтида бажармаган. Оқибатда, "Хўжаобод ипак қурти уруги" давлат қорхонасидан фермер хўжалиғи фойдасига 217 минг 188 сўм асосий қарз, 43 минг сўм жарима 108,5 минг сўм устима ундириб берилди.

Яна бир мисол. Термиз шаҳридаги "З-МКЖ" ҳамда "Капитал қурилиш" бошқармаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, "З-МКЖ" қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариши мумкин?

ХўЖАЛИК ШАРТНОМАСИ НИМА?

(Давоми. Боши биринчи бетда) Ҳусусан, юқорида кайд этилган қонуннинг 7-моддасида хўжалик шартномаси тарафларнинг қуйидаги мажбуриятлари белгиланган: — Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари; — қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлашлари; — тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Шунингдек, хўжалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар



